UZINVEST.UZ

ЮКОРИ ДАРОМАДЛИ ЛОЙИХЛАРГА ХИМОЯЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

КЕРАКЛИ БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ:
$270 000

ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА:
$95 500

ИНВЕСТИЦИЯ САРМОЯСИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИ:
32%

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



ЛОЙИХА № 2152
БУХОРОДА КОНТЕЙНЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА МЕҲМОНХОНА ОЧИШ

Лойиханинг махсади: Лойиҳа денгиз контейнерлари ёки ЛСТК (енгил пўлат юпқа деворли конструкциялар) технологияси асосида **12 хонали замонавий меҳмонхона** ташкил этиш ва ишга туширишни назарда тутади. Ушбу концепция экологик тозалик, энергия тежамкорлиги ва замонавий дизайнни ўзида бирлаштиради. Лойиҳа сайёҳларнинг ностандарт ва визуал жиҳатдан жозибадор турар-жой форматларига бўлган ортиб бораётган талабига йўналтирилган бўлиб, келгусида бошқа туристик ҳудудларда (Самарқанд, Хива ва бошқалар) кенгайтириш имкониятига эга.

Ҳозирги ҳолат:

- Бухоро туристик бозори батафсил таҳлил қилинган.
- Замонавий турар-жойларга бўлган талабнинг барқарор ўсиши ва таклиф танқислиги аниқланган.
- Архитектура ва дизайн концепцияси ишлаб чиқилган.
- Молиявий модель ва харажатлар тузилмаси тайёрланган.
- Локациялар ва пудратчиларни дастлабки танлаш ишлари олиб борилган.

РАҚОБАТБАРДОШ УСТУНЛИКЛАР

- Бозорга чиқиш тезлиги — классик меҳмонхоналарга қараганда 3 баравар тезроқ ишга тушириш.
- Ноёб формат — замонавий дизайн ва сайёҳлар орасида юқори оммабоплик.
- Экологик тозалик — атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатиш.
- Мобиллик — бозор конъюнктураси ўзгарган тақдирда объектни бошқа жойга кўчириш имконияти.
- Операцион харажатларни камайтириш — энергия тежамкор ечимлар ҳисобига.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: $270 000, шундан:

Номланиши	Сумма, $
Жой ижараси 6 ой	20 000
Контейнерлар	90 000
Ускуналар	55 000
Таъмирлаш ишлари	65 000
Автомобиль ижараси	3 000
Бошка харажатлар	35 000
Жами	**270 000**

Йиллик даромадлар хакида маълумот

Номланиши	Бир ойда уртача даромад, $	Ойлар сони	Сумма, $
Меҳмонларга хизмат кўрсатиш (12 хона)	14 500	12	174 000
Жами			**174 000**

Йиллик харажатлар хакида маълумот

Номланиши	Сумма, $
Операцион харажатлар (иш ҳақи, солиқлар, ижара тўлови, маркетинг ва ҳоказо)	78 500
Жами	**78 500**

- Йиллик даромад: $174 000
- Йиллик харажатлар: $78 500
- **Йиллик соф фойда**: $174 000 – $78 500 = **$95 500**

ROI = $\frac{\text{Сой фойда}}{\text{Инвестиция}}$ x Инвестор улуши x 100% = **32%**

Фойданинг тақсимланиши

Киритган сармоя тўлиқ қоплангунигача: Инвестор – **90%** ва лойиҳа Муаллифи – **10%**

Киритган сармоя тўлиқ қоплангач: Инвестор – **55%** ва лойиҳа Муаллифи – **45%**